

HUQUQ

05

(372)

YURIDIK GAZETA

Fevral

D.	7	14	21	28
S.	1	8	15	22
Ch.	2	9	16	23
P.	3	10	17	24
J.	4	11	18	25
Sh.	5	12	19	26
Y.	6	13	20	27

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Ислом КАРИМОВ: БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОХ ЭТИШДИР



Ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш учун кўйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

I. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлиши мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада муносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат.

II. Биз ҳокимиятни учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз.

III. Ўзбекистонда демократик янгилинишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоят муҳим шарти — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир.

IV. Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қарори билан Эркин Ҳадамович ХАЛИЛОВ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Акрам Аббасович КАРИМОВ ҳамда Машқура САФАЕВА унинг ўринбосарлари этиб сайландилар.

□ □ □

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорига билан Мурот ШАРИФХУЖАЕВ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси, Фарруха Фахриддиновна МУХИТДИНОВА ҳамда Муса Тажетдинович ЕРНИЯЗОВ унинг ўринбосарлари этиб сайландилар.

□ □ □

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қарорига мувофиқ Шавкат Миромонович МИРЗИЁЕВ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги этиб тасдиқланди.



MUNOSABAT

Давлат тараккиётини қонунларнинг мукамаллиги билан ҳам белгилаш мумкин. Пишиқ ва пухта қонунлар ўз ўрнида илтимой-ҳуқуқий соҳадаги ислохотлар изчиллигини таъминлайди. Бундан жамиятнинг ҳар бир фуқароси манфаат кўради. Икки палатали парламентга ўтишдан қўзланган мақсад ҳам ана шундан иборат эди. Мамлакатимиз қонунчилиги учун муҳим бўлган мазкур жараённинг ташкилий жиҳатлари тарихдан жой олди. Қонунчилик палатаси ва Сенат тўла таркибда шаклланди, унинг Спикери ва Сенатнинг раиси сайланди.

МАСЪУЛЛИК МИНБАРИ

Сайлов демократия кўзгуси. Профессонал парламент сайловлари мамлакатимизда демократик ислохотлар изчиллигини намоён этди. Айнисид, қўйи палата депутатлик мандати учун кураш ҳақиқий синов бўлди. Халқ синовидан ўтган, ўз дастури ҳаётийлигини сайловчиларга етказолган номзодларгагина овоз берилди. Шунинг учун ҳам сайлов ошқора кураш майдони саналади. Ўз номзодини депутатликка қўйиш қонунда белгиланган талабларга жавоб берган ҳар бир фуқаронинг хоҳиши. Табиийки, бу майдонда номзодлар ташвиқотнинг турли шаклларидан фойдаланди.

Сайлов ташвиқоти вақтида бир неча номзодлар билан мулоқотда бўлдик. Депутатликни масъулия деб билган ҳам, уни обрў деб тушулган номзодлар ҳам учради. Бир даврада вилоятда курашга киришган ёш номзод:

— Ҳа, энди бу ҳам бир обрў, қолаверса, Тошкентда ҳам яшаб ишлайлик-да,— деган гапни айтди. Бундан ажабланмадик, чунки унинг онгу шуурини гап-сўздан илғаш қийин эмас эди. Депутатлик номи ва обрўси учунгина ўз номзодини илгари сурганлар янглишдилар.

(Давоми 3-бетда).

Танлов ғолиблари маълум бўлди

«Huquq» газетаси ва «Qonun hitoyasida» журналининг 2004 йилги сонларида ҳар икки нашр учун фаол обуначилар танлови эълон қилинган эди. Унда нашрларимиз ўқувчилари сафини янада кенгайтириш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва обуна воситасида мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга эришиш кўзланган эди.

Мана бугун ушбу танлов ғолибларини эълон қилиш пайти келди. Юқоридаги жадвалдан келиб чиққан ҳолда «Энг яхши обуна ташкилотчиси» номинациясида Сурхондарё вилояти, «Энг яхши обуна кўрсаткичига эга бўлган маъмурий ҳудуднинг почта ёки матбуот тарқатиш ташкилоти» номинациясида Самарқанд вилояти почтаси, «Энг фаол жамоатчи обуна ташкилотчиси» номинация-

сида Қашқадарё вилояти Қамашитумани халқ таълими бўлими методисти Т.Қаршиев ғолиб деб топилди. Танловда ғолиблар ўринлар бўйича эмас, балки номинациялар бўйича аниқланиши кўзда тутилгани боис обуна мавсумида яхши кўрсаткичга эга бўлган Фарғона, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Танлов ғолибларини аниқлашда обунанинг даврийлиги эътиборига олинди.

Ушбу тадбиримиз, албатта, мавсумий эмас. Бундан буён ҳам уни янада ривожлантириб боришга ҳаракат қиламиз ва келгусида барча вилоятлардаги ўқувчиларимизни ўзаро ҳамкорликни бундан-да мустаҳкамлашга чорлаб, бу борада барчамизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

№	Вилоятлар	Журнал	Газета
1.	Сурхондарё	1266	2141
2.	Самарқанд	1233	1893
3.	Фарғона	1105	1665
4.	Қашқадарё	1199	1635
5.	Жиззах	795	1016
6.	Андижон	800	974
7.	Сирдарё	799	869
8.	Наманган	605	823
9.	Бухоро	417	595
10.	Қорақалпоғистон	386	505
11.	Навоний	387	454
12.	Хоразм	266	293
13.	Республика Матбуот		
	Тарқатувчи АК	1333	1679
14.	Тошкент почтаси	1271	2888
	Жами	9258	17430

Изоҳ: мазкур жадвалдаги кўрсаткичлар вилоят почта ва матбуот тарқатиш идоралари томонидан 2005 йилнинг 1 январига қадар берилган буюртмалар асосида тайёрланди.

СВОЖКК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

КУҚОН шахридаги «Баҳром-жон-Нур» ХСИЧФ раҳбари М.Раҳимов ва бошқа мансабдор шахслари улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни қалбакилаштириб, жорий йилнинг 4 январдан 14 январга қадар 1.029.000.829.300 сўмлик товар айланмасини амалга оширишиб, савдодан тушган 63.587.000 сўмни банкка топширмаганликларни аниқланди.

УРҒАНЧИК Т.Холов ўз уйи олдида чет элда ишлаб чиқарилган, акциз марказиз 6.952.500 сўмлик тамакни махсулотларини ноқонуний равишда муомалага киритиш мақсадида ташби турганлиги аниқланиб, махсулотлар далилий ашё сифатида олинган.

«ХАЛҚ БАНКИ» Олтинқул бўлимида ўтказилган текширишда банкнинг коммунал тўловлари кассири Р.Аҳмедова ўтган йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида туман давлат автомабил назорати ходими томонидан ҳуқуқбузарларга солинган 1.415.700 сўмлик жарималарни банкка топширмай, ўзлаштирганлиги аниқланган.

КУВАСОЙ шахрида жойлашган «Дионис-Дой» СИЧФ раҳбари М.Калонова улгуржи савдонини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома қалбакилаштириб 2004 йил 31 майдан 29 декабр кунга қадар 58.555.200 сўмлик товар айланмасини амалга оширганлиги аниқланган.

УРТАЧИРЧИК туманидаги «Янги турмуш» ширкат ҳўжалиги мансабдор шахслари болалар боғчасини фуқаро Н.Исматуллаевага 6.500.000 сўмга сотган. Тошкент вилоят ҳоқимияти ҳузурдаги «Мулк кадастри» шўба корхонасининг маълумотига кўра, ушбу болалар боғчасининг нархи 26.292.300 минг сўм бўлган.

КОСОНСОЙ туман «Матлубот улгуржи чакана савдо» ҳиссдорлик жамияти раиси М.Хамидов жамиятга қарашли савдо шаҳобчаларининг чакана савдо гувоҳномалари мuddатини узайтирмай, 8 та савдо шаҳобчасини гувоҳнома билан таъминламасдан давлатга тўланиши лозим бўлган 2.759.000 сўмлик мажбурий тўловни тўламаганлиги аниқланди. Текширишда жамият томонидан 338.864.700 сўмлик чакана савдо амалга оширилиб, 56.690.500 сўмлик лицензиясиёз даромад олинганлиги аниқланган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖНнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

FARMON VA IJRO

Президентимизнинг 2004 йил 1 декабр кунги «Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармони иктомий-сиёсий ҳаётиимиздаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Бу фармонини айнакча биринчи марта адашиб ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этиб, қилишидан пушаймон бўлган маҳкумларнинг оила аъзолари, қариндошлари қандай интиқлик билан кутганини сўз билан таърифлаш қўйин.

Бу галги амнистия айрим жиҳатлари билан олдинларидан тубдан фарқ қилади. Унинг баъзи жиҳатларига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Фармоннинг 1-моддасини қўллашда ўта оғир бўлмаган жиноят учун ҳўки қилинганларни озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва бу билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод этиш белгиланган. Ушбу модданинг «а» бандига кўра, ёшидан қатъи назар, биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар озод бўлади. Бу ерда битта ҳолатга эътибор бериш лозим, яъни, озодликка чиқайтган аёл илгари судланмаган бўлиши ёки судланган бўлса ҳам судланганлиги ҳолати тугалланган бўлиши керак.

1-модданинг «б» банди таъсир доираси илгари судланганидан қатъи назар 18 ёшга тўлмай содир қилган жинояти учун жазо ўтаётган шахсларга тегишли бўлиб, бунда шахсининг ҳозир жазо ўтаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Аввалги

фармоннинг «б» бандида «жिनоят содир қилган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар» деб кўрсатилган эди.

1-модданинг «е» банди таъсир доирасига жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистондан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистонда бўлиш учун қонуний асослари бўлма-

нибатан фармон қўлланилмайди. Фармоннинг 7-моддасини татбиқ этишда 8-моддадаги чеклашларни ҳисобга олган ҳолда:

— фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар содир этган жиноят ишлари; — барча биринчи марта содир этилган, Жиноят кодексининг 15-моддаси билан

фармонини асосида авф этиш ёки амнистия тартибига жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган кишилар; в) жазони ўташ тартибинини мунтазам равишда бузиётган маҳкумлар тушмайди-лар.

Маълумки, ҳар бир меъёрий ҳужжат фақат ўз вақтида, қонуний ва ҳолисона татбиқ этилсагина, қўтилган ناتихага эришиш мумкин. Бу борада Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят прокуратураси ва Тошкент махсус прокуратураси ходимлари жаҳоний оқро этиш муассасаларига чиқиб, маҳкумлар орасида, шунингдек туман, шаҳар прокуратуралари ходимлари томонидан жойларда фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг 25 январь кунига қадар вилоят миқёсида фармон талаби жами 6692 нафар шахсларга татбиқ этилиб, шулардан 3228 нафари жазодан тўла озод этилди ва 3291 нафарининг жазо мuddатлари тегишли тартибда қисқартрилди.

Таъкидлаш жоизки, амнистия билан жазодан озод этилган кишиларни қўллаб-қувватлаш, моддий, тиббий ва маънавий ёрдам қўрсатиш нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари, маҳалла-қўй ва корхона-ташкилотлар жамоатининг ҳам вазифасидир.

Кахрамон СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

АМНИСТИЯ: КЕЧИРИМЛИЛИК ВА ОЛИЖАНОБЛИК

ган, биринчи марта судланган чет эл фуқаролари тушиши белгиланган. Бу банд ҳам аввалги амнистия актидан бироз фарқ қилади.

Фармоннинг 5-моддаси таъсир доирасига экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар тарихида Ўзбекистоннинг конституциявий тўзумига қарши жиноят ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилимиш унўнўйилдан ортиқ бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум этишга ҳўки қилинган ҳамда махсус комиссия, Олий суд, Бош прокуратура, ИИБ ва МХХ ҳўлосига асосан қилишдан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тўзалдиш йўлига қатъий ўтган деб топишган шахслар тушади. Бўндай ҳўлоса бўлмаган тақдирда уларга

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган қўлимишлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Жиноят ишларининг суриштирув, тергов босқичида ва судда амнистия тўғрисидаги фармонга мувофиқ тугатилиши шахсини жиний жавобгарликдан озод қилиш учун асос ҳисобланади. Бўндай кишилардан етказилган зарарини дуриш масаласи фуқаролар ишларини судда юритиш тартибига ҳал қилинади.

Фармоннинг 8-моддаси «а» бандига мувофиқ унинг таъсир доирасида:

- а) ўта хавфли рецидивистлар;
- б) илгари Ўзбекистон президентининг

қилиш керак?

Мансуржон сўнгги мақсад учун даставвал диплом зарурилигини англаб етган эди. Шу ваҳдан роволаган саводисини ўстиришни, ўқимай-нетмай диплом сотиб олишни ихтиёр этди. Кўп ўтмай бу нозик ишнинг ҳам «қалови» топилди: кадрлар бўлимига «Тошкент Давлат иқтисодийёт университетини «Савдода иқтисодийёт бахандислиги» бўйича битирди» деган сохта дипломни тақдим этди. Бир кунда олий маълумотли иқтисодчига

QILMISH-QIDIRMISH

«Пул ҳамма нарсанинг отаси. Пул белга қувват, бошга тож. Пулдор одам қанотли одам. Бу қанот билан мағрибдан маширқача учасан, ҳар ерда ошна-огайни, дўст-ёр толасан...»

Мўйловлари янги майсадек ниш ураётган бўз болакай Ойбекнинг «Кутлуг қон» романидаги Мирзакаримбой айтган бу фикрларни ҳижжалаб ўйиркан, бироз ўйлаиб қолди. Отанга баллией, ҳақ гапни айтибди. Ахир пул бўлса, чангалда шўрва, деб бекорга айтишмаган.

«Пул қанот»да учган йўзим

Ёшлиқдан пулга меҳри тушган Мансур Бобоқулов ҳаёти давомида ҳам унинг қудратига ишониб ясади. Амал-тақал қилиб «Пахтабанк»нинг Ишхон бўлимига ҳисоб-китоб бўлими иқтисодчиси вази-фасига ўтиб олган Мансурбой тез орада бухгалте-рия бўлимининг биринчи қарахали мутахассиси даражасига кўтарилди. Кўп ўтмай Тошкентга «кўта-рилиб» кетиб, «Турон» акциядорлик тижорат банки-нинг марказий амалиёт бошқармаси кредит бўли-мига мутахассис, етакчи мутахассис ва ҳатто бош мутахассис бўлди. У ўзини билимдан қилиб ҳўра-тар, қаловини топиб, қорни ҳам ёқисига қаракат қиларди. Натихада, қисқа фурсатда «Турон» банки бошқарув раисининг ўринбосари лавозимини эгал-лади. Олдинда биргина лавозим қолди. Хўш, нима

айланган М.Бобоқулов шу ерда яна бир пухталикини ўйлаб, Самарқандга қайтишни афзал кўрди. Бу ерда 2001 йил августдан акционерлик тижорат «Пахтабан-ки»нинг Самарқанд вилоят Кўшработ бўлими бош-қарувчиси, 2002 йилнинг эзидан эса «Пахтабанки-нини» Ишхон бўлими бошқарувчиси вази-фасида иш-лай бошлади.

Аммо қингир йўлда қилинган қалбакилик ошқор бўлди-ю, М.Бобоқулов тўппа-тўғри суднинг қора курсисига келиб ўтирди.

Пулга топишган обрў бир куни, одамнинг юзини шувут қиларкан.

А. ХАСАНОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

FOTO LAVNA



— **Меҳнат миграциясининг ўсиши, чет элларда хўсусий хизматга эҳтиёжнинг катталлиги ёхуд мўмай даромад илш-жи айрим шахсларнинг хорихча қизқишини орттирирапти. Афсуски, «одам саводиси» деган жирканч муалломо Ўзбекистонни ҳам четаб ўтмади.**

Бугунги кунда кимдир «мени катта маош тўланадиган фирмага жойлаштирмақчи эди... Аммо...» деса, боқаси: «паспортимни олиб қўйишди. Мени таққирлашди...» дея ҳақ-ҳўқуқини ҳўма қилишни сўраб, ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш ҳўллари ҳам учраб турибди — дейди Бўхоро вилоят прокуратурининг халқаро ҳўқуқ масалалари бўйича катта ёрдамчиси Анвар Ишонқулов. — Шохонга ҳаёт истаб чет элға кетаётганлар орасида аёлларнинг ҳам учраётгани оғриқли нуқтаимиз бўлгани ҳўлда хорихда ишға жойлаш-тириш билан шуғулланадиган «тадбиркор»лар эндиликда эр-қакларни ҳам сотиб, янгила ҳўсулбни «иштиро» қилишаётгани ачинарли ҳўлдор.

Суратга: А.Ишонқулов турмуш ўртоғининг конституциявий ҳўқуқларини ҳўма қилишни сўраб мурожаат қилган аёлни қабул қилмоқда.

TADBIR

Қўшма корхоналар қандай аҳволда?

Наманган вилоят прокуратурасида қўшма корхоналар раҳбарлари, назорат идоралари бошлиқлари ҳамда шаҳар ва туман прокуратуралари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Айни пайтда вилоятда 58 та қўшма корхона мавжуд бўлиб, шундан 17 таси ишламайди. Фаолият кўрсатаётганларнинг ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарзлари тобора ортиб бормоқда. Айникса, айрим қўшма корхоналар йилни зарар билан якунлаган бўлса, баъзилари таъсис шартномасида кўзда тутилган фаолият тури четда қолиб, сохта тадбиркорлик билан шуғулланмоқдалар. Наманган шахридаги «Силк Роад» Ўзбек-Япон қўшма корхонаси, Поп туманидаги «Наманганшина» Ўзбекистон-Британия қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

Йиғилишда шу каби камчиликларни бар-тараф этиш, қўшма корхоналар фаолияти-ни тартибга солувчи амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан фикрла-шиб олинди.

А. МАДАТОВ,
«Нуқуқ» муҳбири

NAZORAT

Ўзбошимчалик оқибати

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида газ таъминотида қатъий тўлов интизомни мавжуд эмаслиги, табиий газнинг исроф бўлишига ва ўғирланишига йўл қўйилётгани, айрим фуқароларнинг газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олишаётганлиги кескин танқид қилинади.

Қўпинча фуқароларнинг шахсий манфаат йўлида газ қувурларига хўфдан уланиб олиши ва газдан ошхона, гишт пишириш ҳўмонларида, иссиқхона ёки иситиш системаларида фойдала-ниши оқибатида мейёрдан ор-тиқ газ сарфланапти. Шунинг учун ҳам ҳонедонларда газ боси-ми пасайиб, фуқароларнинг газ таъминотиға оид ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Ана шундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида туман прокуратураси томонидан мутахассислар иштирокида тек-ширишлар ўтказилмоқда.

«Бўхоро» ширкат ҳўжалиги «Юзон» қишлоғида яшовчи Т.Раҳ-матов табиий газдан фойдала-ниш қондаларини қўпол равишда бузган. У ўзи яшайдиган ҳудуд-дан ўтувчи Бўхоро туман газ идо-расига тегишли газ қувурига ула-ниб, ҳеч қандай ҳўжжасиз фой-даланиб қолган. Бундан газ таъ-минот идораси 48.499 сўм зарар кўрган.

«Денов»лик тадбиркор Ф.Жўра-қулов эса ўзига хос иш услубини танлаган. Унга тегишли «Фуркат Хиллат» гишт ишлаб чиқарувчи ҳўсуий корхонага газ қўсблаг-чидаги бир марталик муҳр ва «Ўзнефтьгазиспекция» томони-дан ўрнатилган «Тошкент-19» муҳрини узанганлиги ҳамда Роми-тон туман газ таъминот корхона-сига тегишли газ қувурларига ўзбошимчалик билан уланиган-лиги аниқланди. Бундан Ромитан туман газ таъминот идораси 68.040 сўм миқдорда моддий зарар кўрган.

Қайд этилган ҳўқуқбузарлик-ларга нисбатан МЖТнинг тегиш-ли моддаси билан маъмурий ҳўқуқбузарликка доир иш қўзға-тилди.

Давлат СОИБОВ,
Бўхоро туман прокуратури

DOLZARB MAVZU

Бозор иқтисодиёти кўпгина ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларини синовдан ўтказди. Ишнинг кўзини билган раҳбарлар қорхонасини илгорлар сафига чиқариб, катта ютуқларни кўлга киритишяпти. Ходимларнинг маоши ўз вақтида тўланиб, уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам эътибор берилмоқда. Нўноқ раҳбарлар эса бозор иқтисодиётининг қонунларини чуқур англаб етмай, корхонани банкротлик ҳолатига олиб келаяпти. Натижада ходимлар ишсиз қолмоқда. Маошини ўз вақтида олмаган фуқаролар прокуратура органларига ёрдам сўраб мурожаат қилишяпти.

Хўш, иш ҳақи ўз вақтида берилмаётганлигига ким айбдор: раҳбарларми ёки банк ходимларими? Республика Бош прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси прокурори Парда Нарзиев билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

тини кўзлаб 8652 та ариза киритилиб, жиддий қонунбузилишлар юзасидан 167 та жиноят иши кўзга тилди.

— **Прокуратура органлари томонидан иш ҳақини ундириш бўйича қилинган ишлар яхши. Бироқ прокурорларнинг аралашувидан**

чиларнинг 20.500.000 сўмлик иш ҳақини тўлаш чорасини кўришмаган. Корхона раҳбари Ф.Ражабов ва бош ҳисобчи Р.Пиримовга нисбатан маъмурий иш кўзга тилиб, ходимларнинг иш ҳақини ундириб бериш ҳақида судга ариза киритилди.

рига қадар ишчиларнинг 140.400.000 сўмлик иш ҳақи тўланмаган. Мазкур ҳолат юзасидан 2004 йил 1 ноябр кунини М.Умаровга нисбатан жиноят иши кўзга тилиди.

Бу каби мисолларни кўп келтириш мумкин. Бироқ масъул шахслар масъулиятни англамаса, ўз вазифасига сидқиқидилдан ёндашмаса аҳволни ўнглаш барибир қийин кечади.

— **Иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслигида баъзи банк ходимларининг ҳам айби бўлса керак. Чунки айрим раҳбарларнинг ҳисоб-рақамимизда маблағимиз бор, аммо пулимизни ололмаётганмиз деган гапларини эшитиб қоламиз...**

— Тўғри. Масалан, «Пахтабанк»нинг Чирочки туман бўлими мансабдорлари бюджет муассасаларига иш ҳақи, нафақа ва бошқа харажатлар учун ажратилган 941.500.000 сўм пулни тўлашни асоссиз равишда кечиктиришган. Ушбу ҳолат юзасидан Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши кўзга тилди.

Бундан ташқари «Савдогарбанк», «Пахтабанк», «Халқ банки»нинг Наманган шаҳар бўлими, «Ҳамкорбанк», «Туронбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Наманган филиаллари ва «Асакабанк»нинг Давлатобод туман филиали раҳбарлари биринчи даражали тўловлар учун ажратилган маблағни тўлашни асоссиз равишда кечиктирганлиги аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Ниҳуқ» муҳбири

Вақтида берилмаган маош

КўП МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ

— **Иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги ходимнинг ҳуқуқини поймаётганлиги, шундай эмасми?**

— Саволингиз ўринли. Мехнат қилган ҳар бир фуқаро, кимлиги ва қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар, иш ҳақини ўз вақтида олиши керак. Бу фикримизни қонунларимиз ҳам қувватлайди. Афсуски, айрим ташкилот ва корхона раҳбарларининг айби билан баъзи жойларда ходимлар иш ҳақини вақтида олишмаяпти. Бу ҳақда матбуотда кўп ёзилмоқда. Муаммони ҳал қилиш мақсадида 2002 йил 19 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Унинг ижроси юзасидан прокуратура органлари назорат тадбирларини амалга оширмоқда. Аниқланишича, тек-

ширилган вазирлик ва уюшмалар бўйича иш ҳақидан қарздорлик бир неча миллиард сўмни ташкил қилган. «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзагроماشсервис» уюшмасида миллиардлаб сўм иш ҳақидан қарздорлик мавжуд.

— **Далиллардан кўришиб турибдики, катта ташкилотларнинг муаммоси ҳам катта экан. Муаммони ҳал қилиш юзасидан қандай ишлар қилинапти?**

— Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига мувофиқ 2004 йил давомида прокуратура органлари томонидан иш ҳақини ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ қонунлар ижроси бўйича ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 21627 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 7.100.000.000 сўмлик иш ҳақи тўланиши таъминланди. Судларга ходимларнинг манфаат-

сўнг қанча фуқаро маошини олди?

— Прокуратура аралашуви билан 1.800.000.000 сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Хусусан, Андижон вилоятидаги «Асака ёғ» АЖ ходимларининг иш ҳақидан 43.500.000 сўм, Сирдарё вилояти «Иссиқлик станцияси» ОАЖ 491.600.000 сўм қарздор эди. Прокуратуранинг аралашуви билан ходимларнинг иш ҳақи тўлиқ тўланди.

Яна бир мисол. Бухоро вилояти Ғижувон туманидаги 206-ҳўжалиқларга кўчма механизациялашган колонна раҳбарлари иш-

— **Демак, айрим раҳбарлар ишчи-хизматчиларнинг манфаатларига жиддий эътибор бермайдими?**

— Ҳақиқатдан ҳам шундай. Масалан, «Ўзбек қоғози» АЖ раҳбари М.Умаровнинг айби билан ўтган йилнинг февралдан нояб-



Қадим Самарқандга лайлакқор ёғди, Кўнгилни чулғайди сокин хаёллар...



TASHABBUS

Ибратли тадбир

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ прокуратурасида йил якуни бўйича қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда самарали иш юритган бўлимлар, шаҳар ва туман прокуратураларини рағбатлантириш йўлга қўйилди. Утган йил якунларига кўра, вилоят прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими «2004 йилда вилоят прокуратурасининг энг яхши бўлими», Булоқбоши туман прокуратураси «2004 йилнинг энг яхши прокуратураси» деб топилди.

Ўз муҳбиримиз

МАСЪУЛЛИК МИНБАРИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда). Юқоридаги адашган «номзод»имиз деярли тўртдан бир сайловчининг ҳам овозини ололмади. Депутатлик масъулият, уни тушунмаганлар барибир беш йиллик курашга дош бериши қийин. Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги маърузасида депутатлар олдида шулардан келиб чиқадиган янги вазифалар қўйилди. Президентимизнинг Қонунчилик палатаси энди ҳақиқий қонун ижодкорлиги билан шуғулланиши лозим, деган сўзлари депутатлар масъулиятини янада оширади, деган фикрдамыз. Барча соҳа вакиллари билан таркиб топган куйи палата олдида турган вазифаларни қонун ижодкорлиги билан оқлаш депутатлик мавқеини кўтарди. Зеро, қонун лойиҳаси устида дастлабки ижодни айнан депутатлар амалга оширади. Маърузада Парламентнинг аввалги кўмити ҳамда фракциялари фао-

лиятига ҳам танқидий баҳо берилди. Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенат қонун лойиҳаларини янада мукамаллаштирувчи орган саналади. Халқимиз учун шу пайтга қадар янгилик бўлиб келган сенат ва сенатор сўзларининг мазмун-моҳияти ҳам ойдинлашди. Сенаторларимиз учун мамлакатимиз бош майдонида қисқа фурсатларда қад рўстлаган бинони ҳуқуқий демократик давлат рамзига қўйилган ҳайкал деб баҳолаш мумкин. Муҳташам ишшоотга ҳар қандай хоржиий қонуншунослар ҳавас қилса арзийди. Ташқи қиёфасигача улкан салоҳият касб этган бино эшиклари халқимиз учун ҳам очик. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида сўзга чиққан юртбошимиз мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати, хавфсизлиги ва дунёдаги турли сиёсий кучларнинг гаразли мақсадларига баҳо бериб, бу боладаги Ўзбекистон сиёсатини

қатъий баён этди. Қўшма мажлисида мамлакат Бош вазирини лавозимига Ш. Мирзиёев номзоди депутатлар ва сенаторлар томонидан тасдиқланди. Сир эмас, Сенат муҳокамасидаги қонун лойиҳалари ҳар бир минтақа ва ҳудуд манфаатларини кўзлайди. Бунинг натижасида табиий тортишув ва мунозаралар куйи ва юқори палатада пухта қонунлар ишлаб чиқиши таъминлашга ҳизмат қилади. Шу ўринда тортишув ва мунозаралар хусусида. Энди тортишув ва бепарқилликдан қочиб, икки палатали парламентга мос келадиган муҳитни қарор топтириш вақти етди. Ҳақиқат бахсларда туғилиши сир эмас. Ана шу йўлда икки палата фаолиятида соғлом тортишув ва мунозаралар кўп бўлсин! Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимиз, халқимиз бунга ҳам маънан, ҳам руҳан тайёр.

Тоҳир САИДБОБОВ, «Ниҳуқ» шарҳловчиси

KECHIRILGAN ISH

Мен кўп тармоқли хусусий фирмага директор бўлиб ишлайман. Утган йили бир фуқарони ҳайдовчиликка олган эдик. Лекин у ишга кирганидан бери бириктирилган автомашинани икки марта уриб олди. Биринчи марта оилавий шартини ҳисобга олиб кечирган эдик. Аммо яқинда машинани корхона ичидаги симёғочга уриб олди. Етказилган зарарни ундириш учун нима қилиш керак?

L. BOTIROV, Tashkent shahri

Авал зарар миқдорини аниқлаш учун мутахассисларни жалб қилган ҳолда комиссия тузишингиз мумкин. Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун уни етказган ходимдан тушунтириш хати талаб қилинади. Агар ходим тушунтириш хати беришдан бош тортса, бу текшириш баённомасида қайд этилиши керак. Лекин бу ҳолат ходимни текшириш материаллари билан танишиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Агар етказилган зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортқ бўлмаса, у иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади. Зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан оша ёки у аниқланган сундан бир ой ўтган бўлса, зарар суд орқали ундирилиши лозим.



WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

QARZNI SO'RAGANDA

Икки йил олдин ён қўшимга бир ишни бошлаб олиши учун қарз бергандим. Адаб кетмаслиги учун шартнома тузиб, ундан тилхат ҳам олганман. Қарзни қайтариши мuddатини шартномада кўрсатмай оғзаки келишимимиз учун пулни фалон пайтгача бер деб айтолмаялман. Лекин бир-икки марта пул керак бўлганда беришни сураганимда, пул топсам бераман деб қочиб юрадиган бўлиб қолди. Бу ҳолатда нима қилсам бўлади?

Sh. JUMANAZAROV, Qarshi shahri

Агар қарзни қайтариш мuddати шартномада белгиланмаган бўлса, унда қарздор қарзни сиз уникайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайлида қайтариши керак (физ ўтлаш мажбурияти белгиланмаган қарз суммасини қарздор мuddатидан олдин қайтариши мумкин).

Фоиэ эвазига берилган қарз суммаси эса, қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан мuddатидан олдин қайтарилиши мумкин.

MEROSNING EGASI KIM?

Бобом ва бувим бир неча йил олдин уй-жойларини кичик фарзандига қолдириб, янги участкага уй-жой қилиб чиқиб кетишган. Улар янги уй-жойларини менга мерос қилиб бермоқчи эдилар. Чунки мен кичиклигимдан тарбия қилишган ва ҳозиргача улар билан бирга яшаб келаман. Лекин ўтган йили бобом тўсатдан вафот этди. Шундан сўнг отам нотариусга борганида, у ўзингиз невара бўлганини учун меросхўр бўла олмайд дебди. Мен шикоят қилмоқчи эмасман. Бироқ, агар бувим ҳам оламан ўтиб қолгудек бўлса, амаки ва аммаларим мени уйдан ҳайдаб чиқариши мумкин. Бошқа нотариус билан маслаҳатлашсак, бувим фақат 50 фоиэ мулкка эгалик қилаар экан холос. Лекин бувим ҳам меросимни сенга қолдираман дейди. Агар мен мулкнинг шу қисмига ҳам васият ололмасам, унда нима бўлади?

A. SHUKUROV, Xorazm viloyati Bog'ot tumani

Амалдаги Фуқаролик кодексининг талаби бўйича мерос мулкига икки хил шаклда — васият ва қонун бўйича ворис бўлиш мумкин. Шунинг учун агар сизга бобонгиз ўзига тегишли мол-мулкни васият қилмаган бўлса, мерос қонун бўйича эгалланади. Сиз билан боғлиқ ҳолатда қонун бўйича мерос эгалланганда, бобонгизнинг болалари ва хотини биринчи навбатдаги меросхўр саналади. Шунинг учун ҳам бувингиз бобонгизнинг мулкнинг қонун бўйича тегиши лозим бўлган қисмини эгаллайди холос.

ФКнинг 1141-моддаси талаби бўйича, мерос қолдирувчининг вафоти қадар қандам бир йил унинг қарамонига бўлган ва у билан бирга яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳам меросхўрлар жумласига киради. Агар сиз шу тоифага тўғри келсангиз, унда мерос олишга ҳақли бўласиз.

Агар бувингиз ўзига тегишли мулкни сизга қолдиришга бўлса, ҳаётлик пайтларида мулкни сизга васият қилиши лозим. Васият қилинган тақдирда мулк оқорюда айтилган тартибда меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

MEROSNING VAQTI QANCHA?

Менинг отам 1980 йили Жиззах шаҳрига ишга юборилган. Лекин пенсияга чиққанида Пахтакор туманида яқин ўртоғи ҳада қилган уйда яшаб қолиб кетган. Биз фарзандлар эса Бекобод шаҳрида турамиз. Отамизнинг вафотидан сўнг эгасиз қолиб кетганини учун у йилни сотиб юбормоқчимиз. Лекин бунинг учун аввал меросни нотариус орқали расмийлаштиришимиз лозим экан. Бунинг учун қаероли нотариусга боришимиз керак? Меросни расмийлаштиришга қанча вақт кетади?

Отамиздан қолган уйга қараб турадиган одам бўлмаганини сабабли бир-иккита эшик-ромларни ўзгарта кетишибди. Шунинг учун уйни мерос қилиб олгунга қадар бирон одамга топширсам бўлади? У биронта буюمنى сотиб юборишининг олдини олиш учун қандай чора кўрсам бўлади?

S. MUXTOROV, Bekobod shahri

Фуқаролик кодексининг 1117-моддаси талабига кўра, мерос мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк жойлашган ерда очилади. Агар мерос кўчар мулк бўлса, унда унинг асосий қисми турган ер мерос очилган жой ҳисобланади. Шу сабабли мерос мулкни эгаллаш учун Пахтакор туман нотариал идорасига муурожаат этиш лозим.

Агар мерос мулкни васият қилинмаган бўлса, нотариус қонун бўйича мерос олишга ҳақли бўлган барча меросхўрларни олти ой ичида аниқлаганидан кейин расмийлаштириб, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.

Мерос мулкни кўриқлашни бошқа одамга ишониб топширишингиз мумкин. Лекин ишончлироқ бўлиши учун бу тўғрида нотариусга муурожаат этганингиз маъқул. Нотариус мол-мулкни кўриқлаш учун рўйхатга олади ва сақлаш учун бошқа шахсга топширади.

Агар отангизнинг кредиторлар қарзи бўлса ва кредиторлар меросхўрлар меросни қабул қилиб олигунча даъво қўзғатса, унда нотариус мерос бошқарувчисини тайинлайди. Бошқарувчи ёки мулк ишониб топширилган бошқа кишилар мулкни талон-тарож қилганлик, бошқа шахсга берганлик, яширганлик ёки унга зарар етказганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилади.

REKLAMASIZ HAYOT BORMI?

Бугун ҳаётимизни рекламасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин ортқича ёки ўртинсиз жойга қўйилган реклама, айниқса кейинги пайтларда Россия телевидениеси орқали кўп намоиш этилаётган пиво рекламаси ёшларга салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун амалдаги қонунларда сизарет ва спиртли ичимликларни реклама қилиш борасида тартиб-

қоида қандай? Мақтаблар яқинида, йўл ёқасидаги ёриткичларда тамаки ва спиртли ичимликларни реклама қилиш мумкинми?

Телевидениеда неча дақиқачага реклама бериш мумкин?

Ozoda ABDYLLAYEVA, Tashkent shahri Sobir Rahimov tumani

«Реклама тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, алкоғолли ичимликлар рекламаси тиббий, спорт, мактабгача тарбия муассасалари, шунингдек, умумий ўрта, ўрта-маҳсус, касб-хунара ва олий таълим муассасаларидан қандам беш юз метр узоқликда жойлаштирилиши керак. Бундан ташқари: — қувати 28 даражагача бўлган алкоғолли ичимликларни реклама қилиш; — қувати 28 даражагача бўлган алкоғолли ичимликларни телевидение ва радиода соат 7 дан 22 гача реклама қилиш; — тамаки ва алкоғолли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган бўлса, ҳомийлик қилиш ва воёга

етмаганларга шу турдаги маҳсулотлар тасвири туширилган товарларни (футболка, бош кийим ва шу кабиларни) тарқатиш, сотиш ҳамда воёга етмаганларга мўлжалланган нашрларда ушбу жилдаги товарларни реклама қилиш; — газеталарнинг биринчи ва охириги саҳифаларида, журнал ва бошқа даврий нашрларнинг муқовасида, шунингдек, бундай нашрларнинг теледастуэ эълон қилинаётган саҳифаларида алкоғолли ичимликларни реклама қилиш; — оммавий ахборот воситаларида, тиббий, спорт, мактабгача тарбия, таълим муассасаларида, транспортда (тамаки ташшига иxtисослаштирилганларидан ташқари), умумий фойдаланишдаги йўловчи транс-

портларининг салонидида реклама қилиш мумкин эмас.

Кўча ёриткич таянчларида эса техник хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши шарт.

Телевидение орқали намоиш этилаётган кўрсатувдаги реклама кўрсатувнинг ҳар бир соатига 10 фоиэдан ошиб кетмаслиги керак. 45 дақиқадан ошқ давом этадиган кўрсатувни шу вақт оралиғида бир марта узиб қўйиш мумкин. 10 дақиқадан кам давом этадиган кўрсатув (эшиттириш)ларда умуман реклама бериш мумкин эмас. Шунингдек, давлат анжуманлари кўрсатилмаётган пайтда, ўн тўрт ёшгача бўлган болалар даврасига мўлжалланган кўрсатувларда реклама қилиш қонунда тақиқланган.

FERMERNING IMTIYOZI

Янги ташкил этилган фермер хўжалиғига ер ижараси учун солиқ тўлашда икки йиллик имтиёздан ташқари бошқа имтиёзлар бериладими? Ер солиғининг миқдори қанча? Агар умуман фойдаланилмаган ерни фермер ўзлаштирса шу ер учун ҳам солиқ тўлаб бориши керакми?

R. TO RAYEV, Izbosgan tumani

Фермер хўжалиқлари ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳар йили ягона ер солиғи ставкаси бўйича солиқ тўлайдилар. Ер солиғи ставкаси ернинг унумдорлик даражаси (бонитети), жойлашган ери, сув билан қай даражада таъминланганлиги ва ернинг кадастр баҳосига қараб белгиланади.

Агар лойиҳада назарда тутилган ерни ўзлаштирган бўлсангиз ва бу ўз ҳисобингиздан амалга оширилган бўлса, мазкур ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин беш йил давомида ягона ер солиғини тўламайсиз.

SHARTNOMA TILI

Яқинда фирмага экспедитор вазифасига бир рус йигитини ишга олдик. Кадрлар бўлимининг бошлиғи сифатида унга аввал бажариши лозим бўлган ишларини рус тилида тушунтирдим. Аммо меҳнат шартномасини давлат тилида туздик. Лекин у ўзбекча гаплашишни билса ҳам ўзбек матнини тушунмади. Бундай вазиятда нима қилса бўлади? Иккинчи саволим: корхонанинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, айбди ҳаракат содир этган ходимга умумий йиллиги қарори билан тасдиқланган жаэо чорасини қўллаш мумкинми?

L. ASTAKOVA, Tashkent shahri Akmal Ikromov tumani

Тушунмовчиликни бартараф этиш учун меҳнат шартномасини агар ходим талаб қилса у билган тилда тузиш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-қарорига мувофиқ ҳолда қабул қилинган 1-иловага кўра бундай шаклда

тузилган шартнома давлат тилида тузилган шартнома билан бир хил кучга эга бўлади.

Иккинчи саволингизга келсак, ходимга нисбатан фақат қонунда назарда тутилган жаэо чораси қўлланиши мумкин холос.

KIM HAQ?

Биз оилада икки фарзандимиз. Отамиз бир неча йил олдин вафот этган. Мен кичик ўғил бўлганимиз учун онам билан қолганман. Утган йили онам инсулт бўлиб касалхонага тўшади эди. Лекин қанча даволасак ҳам сақлаб қолишингиз иложи бўлмайди. Онам вафот этишидан олдин уй-жойини онамга

васият қилибди. Лекин васиятномани нотариус эмас, касалхона бош врачи тасдиқлади. Онамдан бунинг сабабини сурасам, касалхона ҳуқуқшуносини шуни маслаҳат берди деб айтди. Бундай ҳужжат қонуний бўладими?

N. BOTIROV, Tashkent shahri

Бу васиятнома қонуний ҳисобланади. Чунки «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига кўра, касалхона, госпитал ва бошқа стационар муассасаларда даволанаётган фуқароларнинг ушбу муассасаларнинг бош врачи, унинг тиббиёт бўйича ўринбосари ёки навбатчи шифокор томонидан тасдиқланган васиятномаси нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади. Лекин бундай тартибда тасдиқланган васиятноманинг бир нусخаси уни тасдиқлаган мансабдор томонидан васият қилувчи доимий ишайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечиктирмай юборилиши шарт.

МАЛАКАЛИ TERGOVDAN NAMUNALAR

«ЎЛИК ЖОНЛАР УЙГАН УЛКАН ХИРМОН»

Бу воқеаларга ҳали кўп бўлганича йўқ. 1999 йил кузида Оқ олтин туманидаги С.Сиддиқов деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида тафтиш ўтказилди. 1998 йил ҳосилига оид ҳужжатлар ўрганилганда, кўп микдорда қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги очилиб қолди. Тафтишчи Х.Пирназаров тузган дололатномага кўра, қўшиб ёзилган пахта микдори 493 тоннани ташкил этган. Бу пахта учун 2.469.000 сўм пул тўланган. Ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги баҳона қилиниб, терговчининг малакасизлиги туфайли тек-

тани сохта ҳужжатлар асосида «Оқолтин» пахта тозалаш заводида кирим қилишга муваффақ бўлишган. Бунинг учун 34 та ПК—17 шаклидаги қвтанциялар тўлдирилган. Кўл терими учун тўланиши лозим бўлган жами 4.505.000 сўм пулни ўзлаштириш учун 47 та сохта наряд ва яна шунча сохта тўлов ведомостлари тузишган. Бу пуллар шубҳасиз талон-тарож қилинган. Транспорт харажатларига ажратилган жами 99.000 сўм ҳам А.Толипов томонидан «чўнтакка урилган». Қайта таъкидлашимизки, бу пуллар ўша вақтдаги нархларда берилмоқда. Ҳўш, бундай товламачилиқдан мақсад фақатгина ўзлаштириш бўлганми? Гап шундаки, хўжаликнинг 1998

йил 6 март куни «Оқолтин» пахта тозалаш заводидаги тола олиш учун борган А.Усмонов ҳозирча толани тўлиқ олиб кетишини айтиди. Саббаби, бу тола билан корхона вақтинчалик юргизмасдан туриб, «йўқ тола»ни чиқим қилиб бўлмаслигини уларга тушунтирди. Келишилган 100 тонна «сохта тола»га эса март ойининг охиригача наряд қилиб келишини айтиди. Завод ва хўжалик раҳбарлари нафақат бу алдовига чув тушишади, балки унинг яна бир найрангига лаққа учган завод мутасаддилари 98 тонна толани 5-нав ўрнига юқори навлар ҳисобидан беришга кўнадилар. «Ошиғи олчи» бўлган шоввоз Усмонов йўл-йўлақай ўтиб кетаётган

амалда «олмаган» бўлиб қолади. Чунки корхона балансидаги ўшбу микдордаги тола амалда қабул қилинмаган. Иккинчидан, ишлаб чиқарилган газлама ҳам иссиз кетади. Чунки у «5х5» фирмаси номига чиқим қилинган эди. Бу фирма эса ўшбу газламан амалда ўзига кирим қилмаган. Ишонч қоғозлари эса сохташатирилган...

ФОШ ЭТИШ ВА ТУТИШ

1999 йилнинг июн ойида Оқолтин туманидаги пахтачи қўшиб ёзиш фактларини текшираётган прокуратуранинг тергов гуруҳига камомадни яшириш мақсадида жинойт

сида ёпишга муваффақ бўла олмаган пахта корхонаси ва С.Сиддиқов хўжалигининг мутасаддилари билан А.Усмонов ўртасидаги «келишув» маълум бўлиб қолди. Лекин А.Усмоновни топширинг илжи бўлмади. Бироқ юкни ортиб кетган «Мерседес-бенц» юк машиналарининг изи чиқди. Бунинг учун жуда кўп изланишга тўғри келади. Юк машиналари ҳайдовчилари толани қайси манзилга олиб бориб берганликларини айтишади. «Риштон» фабрикасида олиб борилган текширишлар бу ерга «5х5» фирмаси томонидан келтирилган мuddати ва микдори тўғри келадиган пахта толаси қайта ишланганлиги аниқланади. Эндиғи вазифа ўшбу толанинг айнан «Баркамол» фирмасига ажратилган пахта эканлиги тахминини текшириб кўриш эди. Ўшбу толанинг навлари на-

«УСТОМОНЛАР» ИЗИДАН



тўртта «Мерседес-бенц» юк машиналарига толани ортиб Фарғона вилоятининг Езёнов туманидаги «Риштон» йиғирув-тўкув фабрикасига туширади. Уларга 120.000 сўм йўл ҳақи беради. Бу ишларда унга Исроил Исмоилов кўмаклашади. Ўша пайтда хом-ашё тақчилиғидан қийналиб турган ўшбу фабрика учун бу «худонинг инояти»дай бўлади. Корхона раҳбарияти дарҳол Тошкентдаги юқори ташкилотдан рухсат сўрайди. А.Усмонов фабрика мутасаддиларини ҳам чалғитиб, пахта толаларни худди шу тумандаги «5х5» фирмасига тегишли эканлигини айтиди. Шундай қилиб корхона билан «5х5» фирмаси ўртасида 98 тонна 3-4-навли пахта толаларини қайта ишлаб, газлама тайёрлаб бериш ҳақида шартнома имзоланади. 1999 йилнинг 27 мартдан 27 июлигача 394.000 метр юз фоиз пахталик «сурп» материаллари «Риштон» йиғирув-тўкув корхонасининг 1-фабрикасидан олиб чиқиб кетилади. Бу ишда А.Усмоновга «5х5» фирмасининг ишонч қоғозида эга бўлган Р.Мухторов ва И.Исмоиловлар кўмаклашади. Ўшбу микдордаги газламаннинг қиймати ҳар метри 24 сўмдан (ўша вақтдаги нархларда) жами 16.000.000 сўмдан ошиқроқни ташкил этган. Р.Мухторов сурпни бозорда улгурчи нархда А.Усмоновга 9.450.000 сўмга баҳолаб топширади. Бу пулларни Араббой ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади. Шу тарихқа ҳамма томонни қилгитишга муваффақ бўлади. Биринчидан, «Баркамол» фабрикасига берилган тола иссиз йўқолади. Ўшбу фирма «банкрот» деб эълон қилинганлиги учун толани

гуруҳ томонидан қалбаки ҳужжат ва фактлар топширилганлиги маълум бўлиб қолади. Худди шу вақтда Фарғона вилояти Миллий хавфсизлик хизмати «Баркамол» фирмасининг собиқ раиси М.Жалоловдан ариза тушади. Унда айтилишича, фирмага аслида келиб тушмаган 96 тонна тола учун 5.600.000 сўмга тўлов варақаси келиб тушган. Толани олган номаълум шахслар ишонч қоғозидagi раҳбар ва ҳисобчи имзосини қалбакилаштирган. Аслида корхона банкротга учраганлиги учун республика «Пахта-сотишсаноят» уюшмасидан тола олишга «рад этиш» (отказной) хат олинган эди. Шунга қарамай, кимдир устмонлик билан фабрика номига тола учун наряд олишга муваффақ бўлган. Толани олиб, номаълум манзилга олиб кетган. Қизғини шундаки, бамайлихотир «ҳеч нарсадан бехабар» юрган А.Усмонов бош бухгалтер ҳамроҳлигида масалага оидинлик киритиш мақсадида пахта тозалаш корхонасига жўнатилади. Пахта толаси ҳақиқатан ҳам олинганлиги тасдиқлангач, уни ким олиб кетганлиги «номаълум»лигича қолаверади. Ўшбу ва бошқа маълумотларга эга бўлган прокуратура терговчиси Эрқўзи Бойбўтаев ариза ва ҳужжатларни олади ва барча ишни ўзаро бирлаштиради. Таассуфки, толанинг пахта корхонасидан чиқиб кетганидан кейинги тақдир номаълумлигича қолаётгани. Турли фирмаларга жўнатишга сўровлар, хорижга чиқиб кетиш каналларини текшириш натижа бермайди. Товари олиб чиқиб кетган шахснинг қиёфасини ҳеч ким эслай олмади. Шу ўринда кўп микдорда пул ва толага «чув тушган», камомадни сохта ҳужжатлар асо-

рдада кўрсатилган 5-навли пахтага мос эмаслиги ҳам изкуварларни чалғитолмайди. А.Усмонов тўтиб келтирилади ва дастлабки суриштирув ўз натижасини бера бошлайди. Суриштирувда иштирок этган А.Усмонов яна яширишига муваффақ бўлади. Уни тутиш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақида Фарғона вилоятининг тегишли туман прокуратурасига ҳужжатлар тақдим этилади. А.Усмонов яшайдиган уйнинг кўчасида доимий кузатов олиб борилади. Лекин Араббойнинг устмонлиги бу ерда ҳам иш беради: у уйнинг ортидаги қўшни ҳовли ва орқа кўча томонидан кириб-чиқиб бемалол «ялло қилиб» юраверади. Тергов гуруҳи раҳбари Э.Бойбўтаев А.Усмонов билан телефонда боғланишга муваффақ бўлади. Шундай қилиб, Сирдарё вилоятига кириверишдаги ЙХХ постига учрашишга келишилади. У ерда А.Усмоновни терговчи Э.Бойбўтаев тутиб олади. Машинадан «қулибгина» тушган Араббойнинг хурсандчилиги узокқа бормайди... А.Усмоновни ушлашга санкция берган фарғоналик ҳаммасб-ларининг саволига жавобан Эрқўзи ака жиноятига ушланганлиги, унинг уйи тинтув қилиниши ҳақида санкция келтирилганлигини айтиди. Тинтувда кўпгина ҳужжатлар, ашёвий далилар қўлга киритилди. Шундай қилиб қўшиб ёзиш ва пахта толасини, пулларни ўзлаштириш билан шугулланган ўшбу жиноий гуруҳга қонун бўйича тегишли чора кўрилди. Қарийб 35.000.000 сўмдан ортқ зарар ундирилди.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ, «Ниҳуқ» мухбири

Сўнгги вақтда «жиноят олами» вакиллари шунчалик устмонлик билан иш кўра бошладиларки, бу ҳолат терговчидан алоҳида маҳоратни, ўз устида мунтазам ишлашни, янги усулларни қўллашни талаб қилмоқда. Терговчи ўз фаолиятида илмий тавсиялардан, замонавий криминалистик техника воситаларидан самарали фойдалана олсагина қўлаган мақсадига эришиши мумкин. Ҳар қандай жиноятни очишнинг асосий шарти тезкор кидирув ишларини самарали ташкил этиш, ҳолатнинг аниқ ечимини ишлаб чиқишдан иборат. Сирдарё вилояти прокуратураси коррумпция ва икисодий жиноятчиликка қарши курашиш бўлимининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Эрқўзи Бойбўтаев фаолиятдан олинган ўшбу ҳикоя бунга мисол бўла олади.



шириш якунига етказилмайди. Иш суд томонидан қўшимча терговга қайтарилганидан сўнг Эрқўзи Бойбўтаев томонидан ўтказилган текширишлар натижаси кўпчилигини ҳайратга солди. Уюшган гуруҳ томонидан оз эмас, кўп эмас 901 тонна пахта қўшиб ёзилган. Жиноят ишига «Оқолтин» пахта тозалаш заводи раҳбарлари, Фарғона шаҳридаги «Баркамол» ип йиғириш ва тўқиш фабрикасининг мутасаддиси ҳам алоқадорлиги маълум бўлган. Йўқ пахтани терган аслида йўқ одамлар сони 1663 нафарни ташкил этган. Қўшиб ёзилган пахтага тўланган пулнинг ўзи ўша вақтдаги нархларда 4.505.000 сўмни ташкил этган. Бу пуллар жиноий гуруҳ томонидан ўзлаштирилган. Келинг, воқеаларга батафсилроқ тўхталайлик. Очиги, қўшиб ёзиш иллоти тўғрисида гапирганимизда, уни келтириб чиқарадиган сабабларга кам тўхтамай. Ваҳоланки, сабаблар анчагина. Бундай жирканч иллатга баъзан туман миқёсидаги раҳбарлар ҳам аралашиб қолаётганидан таассуфланмишдан ўзга чора йўқ. Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги С.Сиддиқов номи деҳқон фермерлар бирлашмаси раҳбари лавозимда ишлаган Аваз Толипов кўл остида ишловчи Жабборали Эгамбердиев, 3-зона товаршуноси Азимжон Маҳмадов, 1-зона товаршуноси Мухаммадҷон Расулов ва бошқалар билан биргаликда 1998 йилнинг 1 октябридан то 10 ноябригача хўжаликнинг 39 та бригадасида жами 239 та сохта юк хатларини расмийлаштиришганлар. Бунинг учун улар бўлимларнинг раисларини, бухгалтерларини мажбурлашганлар. Ўшбу юк хатларни орқали расмийлаштирилган жами 901.000 килограмм пах-

йилдаги режаси 5082 тонна бўлган. Хўжалик эса аслида бор-йўғи 1897 тонна пахта топширган, холос. Мана шундай шароитда бюуртамачининг манфаатларини поймол қилган ҳолда жиноий гуруҳ белгиланган режани сохта ҳужжатлар асосида бажаришга уринган. Бунинг учун улар давлат статистик идораларига ҳам сохта ҳисоботлар топширишган. Жами 1663 нафар сохта фамилия ва исмлар битилган тўлов ведомостига сохта имзолар қўйишган. Бундан ташқари, аслида топширилмаган пахта «ёпиш» мақсадида турли йўлларга ўзларини уришган. Кўр кўрни қоронғида топчиб, деганларидек бу ишга Фарғонадаги банкротга учраган бўлсада муҳр штампини топширмаган «Баркамол» номи ип-йиғирув ва тўқувчилик фабрикаси раҳбари ўртинбосари Араб Усмонов ҳам жалб қилинади.

АРАБ ИСМЛИ «УСТОМОН»

1998 йилнинг ноябри охириларида «Оқолтин» пахта тозалаш корхонасида ишловчи П.Қурамамов ҳамда С.Сиддиқов хўжалиги товаршуноси Ж.Эгамбердиевлар Тошкент шаҳрига бориб Араб Усмонов билан учрашишади. «Оқолтин» пахта тозалаш заводида хўжаликнинг камомадни мавжудлигини айтишиб, уни ёпишда ёрдам беришини сўрашади. Уртада савдо бўлади. Охири Араб Усмонов 4.000.000 сўм эвазига 100 тонна пахта толаси олдим деган мазмунда ҳужжат тўлдириб беришга рози бўлади. Шундан кейин А.Усмонов 27 ноябр куни Оқолтин туманига келиб П.Қурамамовнинг уйдан дастлабки 700.000 сўмни олиб кетади. Шу тахлит у аслида ёпилган «Баркамол» ип-йиғирув ва тўқимачилик фабрикасига «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасидан ва 1999 йил 12 январ куни Сирдарё вилояти «Пахтаасаноатсотиш» бирлашмасида 003448-сонли наряд (буйруқ) олишга муваффақ бўлади. Ўшбу нарядда 100 тонна 5-навли тола ажратилиши кўрсатилган. Учига чўққан устмон Араббой бир неча кундан кейин «Россия» меҳмонхонаси олдида 550.000 сўмни «қурт-дади» санаб олади. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, 1999

ДЕТЕКТИВ НОҚУА

Тоҳир кофени ўзи ёқтирганидай аччиқ қилиб дамлаб, жойига келиб ўтирди ва столдаги журналларни варақлай бошлади. У етти йилдан бери терговчи бўлиб ишлаб барча жинойат ишларини муддатидан илгари очиб келган. Сўнги котилик ишини ҳам йиғирма бир кунда очигина муваффақ бўлди. Мана уч кундир-ки, бироз дам олишига фурсат бўлди. Лекин бугун яна навбатчилик. У журнални варақлаб, саҳифалардан биридаги қизнинг суратини Рамузага ўхшатиб. Суратга бироз қараб турди. Кейин Рамузага кўнграб қилиш учун қўлини телефонга узатди-ю, лекин соат мил-



СОАТ

лари тунги бирдан 45 дақиқа ўтганини кўрсатаётганини кўриб, фикридан қайтди.

Баҳорнинг майин шабадаси эсиб турарди. Тоҳир оdatдагидай ишдан кеч чикди. Машинасини устата топширган эди. Аввалига таксиди тўхтатмоқчи бўлди. Лекин кўчадаги илқ ҳаво кайфиятига яхши таъсир қилгани сабабли уга пиёда кетишга аҳд қилди. Уйи ҳам унчалик узокда эмас, ишхонадан 4-5 бекатлик йил. Йўлда кетар экан иши ҳақида ўйлашмасликка ҳаракат қиларди. Дархатларнинг гуллари кетидан кўриниб қолган ям-яшил барглар, шохларда чурчллашаётган қушлар, хатто машиналарнинг шовқини ҳам унга узгача завқ бағишларди. Гўёки у бу нарсаларни энди кўраётгандек. Тоҳир хаёлга чўмил борарди:

«Наҳотки, ишга шунчалик берилиб кетиш мумкин. Кимдир жинойат содир қилиб бизга очик саволлар қолдиради. Биз эса саволларнинг жавоби ва масалаларнинг ечинини топишга ҳаракат қилиб кечая кундуз ишлаймиз. Ҳаёт эса кутиб турмайди-ку. Охири марта бемалол у бу жойда дам олиб ўтирганганимиз ҳам эслолмайман. Утган ҳафта дўстларим билан тоққа борсам бўларкан. Ишларим кўп, деганимда Рустам, дам олиш куни ҳам ишлаётганимиз, деган эди. Шудам олиш кунларида ҳаммаларини уйга чақирман. Бир яйраймиз. Яшашга эса вақт йўқ. Э, тавба яшашга вақт йўқмиш. Вақт хамиша топилади, уни тақсимлашни билиш керак, холос».

— Кечирасиз, қоғоз билан рунчангиз йўқми?
Эълонлар тахтаси ёнида турган қизнинг саволи Тоҳирнинг хаёлларини тўзатиб юборди.
— Менга гапирдингизми?
— Узр, сизда бир парча қоғоз билан рунча топиладими?
Қиз худди Тоҳирни танийдигандай унга жилмайиб қараб турарди. Тоҳирга қизнинг чеҳраси жуда таниш туюлди. У ҳажон аралаш портфелини қовлашга тўшди.

— Керакли эълонни ўқиб қолдим. Манзили билан телефонини ёзиб олмоқчи эдим. Афсуски, ёнимда қоғоз ҳам, рунча ҳам йўқ экан. Қарасам, сиз келаясиз, қўлингизда эса портфел. Демак, менга керакли нарсасизда топилдиши аниқ.

Бу келишган ва гўзал қизнинг шу қадар бемалол гаплашаётганидан Тоҳирнинг ҳаяжони янада ошди.
— Мана, марҳамат.
Қиз Тоҳирнинг қўлидан қоғоз билан рунчани олди-ю, эълондаги манзилини ёза бошлади. Тоҳир бироз ўзига келиб, қизнинг юзига

тикилиб қараб турди. Қиз ҳам Тоҳирга қараб жилмайиб қўйиб ёзишда давом этди.

— Галстугингиз қўйлагингизга мос тушмапти.

Тоҳир қизнинг галини тушунмасдан яна ўзини йўқотди:

— Кечирасиз, нима дедингиз?
— Қул рангга яшил ранг тўғри келмайди. Яъни, галстугингиз қўйлакка мос эмас, дейман.

Қиз жилмайганча Тоҳирга рунчани қайтариб берди.
— Мана олинг, катта раҳмат.

Тоҳир эса яна ҳалигидай ўзини йўқотган ҳолатда эди. Нима дейишини билмасдан:

— Кечирасиз, биз илгари ҳеч учрашмаганимизми?

— Биласизми, йиғитлар кўпинча қизларга бу саволни танишиш мақсадида беришади. Афсуски, сиз билан ҳеч қаерда учрашмаганимиз. Агар учрашган бўлганимизда мен сизни эслаб қолган бўлардим. Хотирам яхши. Галстук ҳақида ҳам ҳазил қилганим йўқ, жиддий гапирдим. Сабаби бундай нарсаларга жуда эътибор билан қарайман. Хафа қилган бўлсам узр. Тўғри тушунинг, менга фақатгина рунча билан қоғоз керак эди. Бошқа хаёлга борманг, илтимос.

Қиз буларни гапирётганида юзюда бояғи табассум эриб кетган эди.

— Нега энди? Галстук учун хафа бўлганим йўқ. Мен, очиги бундай нарсаларга эътибор бермай қўйганман. Авваллари кийимларимни хотиним тайёрлаб берарди. Уч йил бўлди вафот этганига. Мана шу галстуким ҳам у совға қилганди.

Тоҳир нотаниш қиз билан нега бунчалик дардлашаётганини ўзи ҳам тушунмасди. У рунчани портфелга солиб секин галстугини еча бошлади.

— Кечиринг мени, сизни хафа қилмоқчи эмасдим.

— Албатта, сизда айб йўқ. Чунки сиз бунчи билмас эдингиз.

Тоҳир қўлидаги галстукни портфелга солиб қўймоқчи бўлганда, қиз унинг қўлидан галстукни олиб:

— Галстук бунчаласизми учун уни мана бундай қилиб ўраш керак. Айтмоқчи, мен руҳшуносман. Одамларнинг дардини тинглаб, уларга ёрдам бериш меннинг вазифам.

У галстукни ўраб Тоҳирга узатаркан қўшиб қўйди:

— Исми Рамуза.
— Менки Тоҳир. Менга руҳшуноснинг ёрдами керак эмас, раҳмат. Лекин барибир сиз билан бирон жойда бажонидил гаплашиб ўтиришни хоҳлардим.

— Руҳшунос керак бўлмаса, мен билан нимани гаплашасиз?

— Сиз ҳақингизда гаплашамиз.

Ёки галстуклар ҳақида.

Рамуза бу гапга кулиб юборди.

— Майли, мен розиман. Фақат бирон жойда ўтиришга вақт кеч бўлиб қолди. Мен пиеда юришни яхши кўраман. Хоҳласангиз мени уйгача кузатиб қўйишингиз мумкин.

Тоҳирга Рамузанинг гаплари, ҳаётга муносабати ва феъл атери жуда ёқиб қолди. Тоҳир билан Рамузанинг муносабатлари тобора қалинлашиб борарди.

Тоҳир деразадан кўчани томоша қилди. Тунги сукунатни ора-сира ўтаётган машиналарнинг шовқини бузарди. У яна соатга қаради. 2 дан 5 дақиқа ўтган. Рамуза бир ўзи яшайди. Тоҳир кўнграб қилса, фақат уни безовта қилиши мумкин. У телефон қилиб бир неча қақриқ товушларидан сўнг ухлаб ётгандир, деб ўйлаб гўшакин қўйди. Ўрнидан туриб энди кофе дамламоқчи бўлганда телефон жирингди.

— Алло, терговчи Мирзабоев эшитди.

— Ассалому алайкум, Тоҳир ака. Навбатчи ўзингиз экан-да.

Тоҳир жинойат қидирув бўлими лейтенанти Холматовни овозидан таниди.

— Салом, ишлар яхшими? Тинчликми?

— Учувчилар кўчасидаги 5-уй, 14-хонадонда қотиллик содир бўлган. Уч киши ўлдирилган.

— Тушунарли. Ҳозир етиб бораман.

Тоҳир воқеа жойига етиб келганда уй олдига бир-иккита қўшни йиғилган. Улар нима учундир шивирлашиб гаплашишарди. Уйга кириши билан уни Холматов қарши олди.

— Ассалому алайкум.

— Яхшимисан, нима гап.

— Учта мурда. Пичоқлаб кетилган. Бири 61 ёшдаги ўй эгаси.

Холматов бу гапларни гапирганича Тоҳир мурдалар ётган хонага кирди. Катта думалоқ стол атрофида пичоқланган кесароқ киши ва бўғизланган ёшроқ йиғит ётарди. Улардан сал нарироқда ётган мурданинг эса кўкрагига пичоқ урилганча ётарди. Стол устида битта уяли телефон, бокал синиқлари, иккита бутун бокал ва минерал сувнинг идиши ағдарилиб ётарди.

— Миллицияга ким хабар қилди?

— Ён қўшни. Марина исмли аёл. Уй эгасининг қир-чирларини ювиб тураркан. Ўзи нариги хонада. Чақирайми?

— Йўқ. Ўзим чиқаман.

Тоҳир нариги хонага ўтди. Қўрққанидан қўллари қалтираб, йиғлаётган аёлнинг ёнига келиб ўтирди.

— Ассалому алайкум. Ўзингизни қўлга олинг Марина. Мен терговчи-

ман. Исми Тоҳир.

Аёл кўз ёшларини артиб:

— Толик амакинни ўлдириб кетишганига ишонгим келмаяпти. Жуда олижаноб ва мулозим инсон эди. Унинг ўлими кимга керак бўлди экан?

Марина яна хўнграб йиғлаб юборди. Бироздан сўнг ўзига келиб:

— Кечирасиз. Сизни тушуниб турирман. Саволларингизни бераверинг.

— Ҳаммасини бир бошидан гапириб берсангиз. Дижқат билан эслашга ҳаракат қилинг. Биз учун кичик деталлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Уй бекасиман. Асосан шу атрофдаги кўни-қўшнларнинг уй юмушларига қарашаман. Кири ювиш, уй йиғиштириш дегандай... Тирикчилигим шу. Лекин Толик амакидан пул олмасдим. Толик амаки худди оиламиз аъзосидай бўлиб қолганди. Хуллас, кеча эрталаб ҳар доимгидай Толик амакиннинг қирларини ювиш учун олиб чиққандим. Одатда қуриган қирларни кечга яқин дазмоллаб, қайтариб берардим. Лекин кечки пайт соат тўққизларда Толик амакиннинг уйини таққиллатсам ҳеч ким очмади.

— У киши бир ўзи яшайдими?

— Ҳа. Тўрт йил аввал хотини саратондан вафот этган. Шўрликнинг Нада холадан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Улар бефарзанд ўтишган.

— Қариндош-уруғларидан-чи, ҳеч ким хабар олиб турмасмиди?

— Максим исмли жиғини бор. Билишимча, қандайдир фирмада ишлайди. Кўп вақти чет эл сафарларида ўтади. Гоҳи-гоҳида хабар олиб турарди.

— Яхши, тушунарли давом этинг.

— Ўшкни ҳеч ким очмагач, ҳайрон бўлдим. Сабаби Толик амаки бундай пайтда доим уйда бўларди. Кейин уйдаги ишларимни давом эттирдим. Нариги уйда яшовчи аёл анчагина пардаларини ювишга берганди. Шуларни ювиб, дазмол ургунимча соатга қарасам икки яримга бориб қолибди. Негадир Толик амакиннинг эшик очмаганига яна кўнглим ғаш бўлди. Ҳар ҳолда кесайиб қолган. Хавотирга тушдим. Ўғлим билан қизим аллақачон ухлаган. Эрим билан ажрашганман. Шу сабабли яна Толик амакинни кидириб чиқдим. Эшик кўнграгини чалдим. Кейин эшикни тортиб кўрсам очик экан. Кириб қарасам ҳалиги ахвол...

Марина яна уввос солиб йиғлаб юборди. Тоҳир уни тинчлантириб, қотиллик содир бўлган хонага чиқди. Холматов атрофдаги нарсаларни кўздан кечираб, криминалист ва суд-экспертиза мутахассислари эса ўз ишлари билан машғул эди. Холматов Тоҳирнинг кирганини кўриши билан:

— Тоҳир ака, ўғирликка ўхша-

майди. Тинтув излари йўқ.

Хонадаги буюмлар ҳақиқатан ҳам саранжом турганга ўхшарди. Лекин буюмларнинг қадимийлиги ва унинг эгаси бу нарсаларни асл кийматини тушунган ҳолда йиққанлиги билиниб турарди.

Тоҳир мурдаларни кўздан кечираётган криминалист Искандарнинг ёнига келиб сўради:

— Сен нима дейсан?

— Жинойат содир этилганига тахминан 7-8 соатлар бўлган. Бўғизланган киши қаршилиқ кўрсатишга улгурмаганга ўхшайди. Лекин ёнимдаги йиғитнинг аввал чакак қисмига зарба берилган. Нима биланлигини ҳозирча айтиш қийин. Кейин эса юрагига пичоқ урилган. Наригиси қолганларидан анча бақувватроқ экан. У ҳақ қотилга қаршилиқ кўрсатишга уринганга ўхшайди. Унг қўли синган. Пичоқ унинг юрагига урилиб жойида қолдирилган. Бу овчилар пичоғи. У спорт ёки ов дўконларида сотилган. Хуллас бундай пичоқни топиш қийин эмас. Менимча қотил ҳам улар билан бирга бўлган.

— Йўқ, бирга бўлмаган. Стол устида синганини ҳам қўшганда жами учта бокал турибди. Стул ҳам учта. Қолганлари столга яқинлаштириб қўйилган. Лекин қотил улар билан бирга бўлган деган тахминни ҳам инобатга олиб қўйиш керак.

Тоҳир бироз ўйлиниб туриб:

— Холматов, йиғитларнинг шахси аниқландими?

— Ҳозирча йўқ. Ёнлариди ҳеч қандай ҳужжат топилмади.

— Балки машинада келишгандир?

— Машиналари ҳам йўқ. Лекин стол устидан топилган телефон орқали аниқлаш мумкин. Эртагаёқ жавоб тайёр бўлади, деб ўйлайман.

Искандар ўрнидан турди-да столни кўрсатиб:

— Айтмоқчи, Тоҳир ака стол устида бир предмет етишмапти. Тўқилган сувга эътибор беринг. Кўрясизми мана бу ерда сув тегмаган бурчак ҳосил бўлган. Сув тўқилган пайтда бу жойда тўртбурчак шаклдаги предмет турган. Дипломат ёки қоробкага ўхшаб нарсалардан бўлиши мумкин.

Тоҳир столни ҳар тарафдан кузата туриб:

— Тўғри айтасан, бу ердан ниманидир олиб кетишган. Айтмоқчи, қон томчиларидан намуна олиш эсдан чиқмасин.

— Олиб бўлдим. Эртага жавоби тайёр бўлади.

— Яхши. Холматов уй эгасининг жиғини бор экан. Маринадан унинг манзилини аниқла. Ундан ҳам кўрсатма олиш керак. Мен эса ишхонага қайтаман. Эрталабгача хўжайинга ахборот тайёрлаш керак.

Тоҳир хонадан чиқиб кетаётганида Эшик олдига турган Маринага дуч келди.

— Марина, сиздан илтимос, бу иш юзасидан у-бу нарсга ойдинлашмагунча ҳеч қаерга кетмай туринг. Сиздан гувоҳлик кўрсатмаларини олишимизга тўғри келлади. Қоида шунақа, тўғри тушунинг.

— Албатта, албатта. Тушунаман. Қаерга ҳам борардим. Агар сизга ёрдам беролсам, бемалол. Ҳар куни уйдаман. Йиғитларга чой қилиб берайми?

— Йўқ, раҳмат. Шарт эмас. Ҳозир тугатишди. Ундан кўра кириб дамнингизни олинг.

Тоҳир Марина билан хайрлашиб, зинадан тушай деганида ичқаридан Холматов қақриб қолди.

— Тоҳир ака тўхтаган. Яна бир нарсга тоғдик. Сиз ҳам кўринг...

Жаҳонгир МАКСУМОВ,
журналист
(Давоми келгуси сонда).

TARIXDAN TARIQCHA

(Лавами, Боши ўтган сонда). Ишлаб чиқариш мана буларга асосан қайта йўлга қўйилган дея компания архивидан бир талай ҳужжатлар келтирилиб, элчига кўрсатилди.

Биринчи ҳужжат Португалия банки билан Анголанинг колониал бошқаруви ўртасида тузилиб, нотариал тасдиқланган шартнома эди. У Ангола бошқарувиغا ташқи бозордан 1 миллион фунт-стерлинг маълум олиш ва мустамлака ҳудудида зуомалага киритиш учун шу пулга тенг миқдордаги эскудони чиқариш ҳуқуқини берарди.

Иккинчи ҳужжат Ангола колониал бошқаруви ҳамда Артур Рейс ўртасида тузилган шартнома бўлиб, унга кўра Рейсга Ангола пулларининг эмиссиясини ташкил этиш ваколати берилган эди.

Ниҳоят, учинчи ҳужжат ўзининг номидан буюртма бериш ва ташкилий ишларни олиб бориш учун Гаагадаги «Маранг ва Коллиньон» фирмасига А.Рейс берган ишонч хати эди. Учала ҳужжат ҳам португал тилида ёзилган, «Waterlow & sons» фирмасининг адвокати матни инглизчага таржима қилиб, тасдиқланган.

Шунингдек, элчига тақдим этилган ҳужжатлар орасида 1924 йил 23 декабр кuni ёзилб, Португалия банки бошқарувчиси К.Родригес имзолаган хат ҳам бўлиб, унда бошқарувчи бу ишга рухсат берган эди.

Элчи ҳужжатлар билан танишган, уларнинг қалбаки эканини айтди. Бундан ташвишга тушган В.Ватерлоу ке-қурунок Лиссабонга жўнардн. У ерда ҳам кўнгилсизликларга барҳам берилмади. Терговда К.Родригес В.Ватерлоуга айтилган санада умуман хат ёзмагани, банк ҳужжатхонаси ҳеч қачон давлат герби туширилган ва «Португалия банки. Бошқарувчи. Шахсий ёзишма» ёзуви конвертлардан фойдаланмагани маълум бўлди.

Судя Дирейто гуруҳи терговчиларининг аниқлашича, Ангола колониал бошқарувидагилар А.Рейснинг яхши билишар экан. У 1916 йилдин 1922 йилгача ўша ерда ишлаб, яшаган. Ишга киришда Йигитча Оксфорд унверситети қошидаги политехникумдан берилган бакалавр дипломини тақдим этган. 1919 йили тасодифан унинг сохта эканлиги, университет қошида бундай муассаса умуман йўқлиги маълум бўлган, Рейс шармандаларча ишдан ҳайдалган.

В.Ватерлоу Лиссабонга келиши билан терговга янги-янги кишилар жалб этилди. Лондондан келтирилган ҳужжатлар тадқиқ қилиниб, аста-секин А.Рейс содир этган фирибгарлик механизми аниқ бўла бошладн.

1924 йил ноябр ойида у Португалияда шартнома ва шунга ўхшаш ҳужжатлар расмийлаштирилмаган стандарт бланкаларни қўлга кирилади. Улар ўзаро бириктирилган тўрт варақдан иборат эди. Биринчи ва иккинчи варақларга А.Рейс жун етказиб бериш тўғрисида аслида тузилмаган шартномани ёзади. Ҳар икки нусханинг учинчи варағи «Икки нусхада тузилиб, имзоланди» деган жумла билан бошланади. 1924 йил 23 ноябр кuni 28 яшар уддабурон қоғозларини олиб нотариус Авелдин де Фариянинг олдига боради. Унинг ҳузурда учинчи варақларни имзоледи; имзони нотариус тасдиқлайди. Шартномада оқларни божхонада расмийлаштириш назарда тутилгани учун А.Рейс Британия, Германия, Франция элчихоналарига бориб, савдо палаталарида нотариуснинг тасдиғини тақдим этди. Шундан сўнг олдинги икки нусхани йўқ қилади. Шунга ўхшаш тоза варақларга шартномани расмийлаштириб, Лондонда В.Ватерлоуга тақдим этди. Матн португал ва француз тилларида ёзилган бўлиб, унда А.Рейсга мустамлака Ангола бош-

қаруви томонидан қиймати 1.000.000 фунт-стерлингга тенг португал эскудосини чиқаришга ваколат берилганлиги тўғрисида гап борар эди. Ўз ишини яхши биладиган молиячи бир қарашдаёқ ҳужжатнинг сохталлигини билиб қўярди. Шунинг учун А.Рейс уни инглизлар билмайдиган икки тилда расмийлаштирди. Шартнома дастлаб молия соҳасида мутахассис бўлмаган фирма таржимони ва юристининг қўлига бориб тушади. Молиявий менежерлар эса ҳужжатнинг таржимон ва юрист тасдиқлаб, муҳр босган таржимасини кўриб чиқишади ва у ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Ниҳоят, ҳаммаси А.Рейс ўйлаганидек бўлиб қичди. Бундан унингчн варақдаги Португалия банки бошқарувчиси К.Родригес ва унинг ўринбосари Ж.Гомешнинг имзолари ҳам маълум даражада ёрдам берган бўлиши керак. Кейинчалик графологик

қиқишини талаб қилди. Пул ислохоти ҳақидаги миш-мишлар ҳукуматга бўлган ишонсизликни янада кучайтиради. Шундай бир вазиятда 26 декабр кuni бўлган ҳукумат мажлисида давлат банки раҳбарларини қамқодан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Кейинчалик олинган графологик экспертиза натижаси қарорнинг тўғри бўлганини, юқоридаги хат сохта эканини кўрсатди. Шу кuni йиғилишга тўпланган банк акционерлари бу қарордан рухланиб, истеъфони қабул қилмаслигини билдирди.

1925 йилнинг бошида К.Маранг Голландияда ҳибсга олинди. Голландлар уни Португалияга бермаган бўлса-да, ишни ошқора кўриб чиқшини ваъда қилишди.

Португалиянинг ўзида ҳам ишлар юришиб кетди. Ҳаммани ажаблантириб, шерикларидан фарқли ра-

айби «қимматли қоғозларни рухсат берилмаган ҳолда чиқариш» айби билан алмаштирилди. Мазкур модда акция, вексел каби биржа воситаларини чиқаришда рўйхатга олиш қоидаларини бузиш учун жавобгарликни назарда тутар эди. Шунда ҳам А.Рейс у чиқарган пуллар биржа воситаси эмаслигини айтиб, унга бу айбни қўйиб бўлмаслигини ҳақли равишда таъкидлади. Умуман, ишнинг кўрилишида А.Рейс миллий қонунчилиكنинг заиф, бир-бирини инкор



Анголага аталган пуллар



экспертизанинг кўрсатишича, А.Рейс уларнинг имзоларини банкнотлардан қалам билан бостириб олиб, сўнг сиёҳ билан ўзи қўйган экан. Ҳужжатларга жиддийлик бахш этиш учун у Португалия герби туширилган муҳрни ҳам босган эди. А.Рейс муҳрни 1924 йили гимнастикачилар уюшмасини тузиш ҳаракатида юрган пайтларга олган. Муҳр қўлга киритилган, нимагадир ушмани тузиш фикридан воз кечган.

Португалия ҳукумати билан колониал Ангола бошқаруви ўртасидаги «шартнома» ҳам шу тарзда тузилган эди.

Қамоққа олинган, А.Рейс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиди. Унинг айтишича, ўзидан бошқа ҳеч ким бўлаётган ишларнинг мохиятидан хабардор бўлмаган, барчаси А.Рейснинг айтганларини қилган холос. Бундан ташқари у жиноят ишини ёпишни талаб қилди. Негаки, миллий савдо қонунчилигига кўра, Португалия акционерлик банки махсус реестрга киритилиши керак эди, аммо у киритилмаган. Бу ҳуқуқий жиҳатдан миллий қонунчилик ва судлар учун Португалия банки деган ҳуқуқ субъекти мавжуд эмас дегани эди. Шундай экан, йўқ нарсага етказилган зарар тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Мамлакат бўйлаб юқори мартаба амалдорларнинг пулни сохталлаштиришга алоқадорлигини исботловчи қандайдир ҳужжатлар ҳақида миш-мишлар тарқалиб кетган эди. Газеталар бу ҳақда ҳар кuni ёзар, лекин уларнинг номини кўрсатмасди. Давлат банки фаолиятидан оммавий норозилик кўнайиб кетаётгани учун полиция банк бошқарувчиси К.Родригес ва ўринбосари Ж.Гомешни 1925 йил 23 декабр кuni ҳибсга олди. Эртасигаёқ бошқарувнинг барча аъзолари акционерларга истеъфого чиқиб тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Таъкидлаш жоизки, бу пайтда К.Родригеснинг В.Ватерлоуга ёзган хати ҳақиқий деб ҳисобланарди.

Истеъфого тўғрисидаги мурожаатни Европадаги даярли барча газеталар босиб чиқарди. Мамлакатдаги муҳолифат ҳукуматнинг истеъфого

вишда Ж.Бандейра полицияга ёрдам беришга қарор қилиб, ўзининг Португалия, Британия ва Голландия банкларидаги ҳисоб-рақамлари ҳақида айтиб берди. Таъкидлаш жоизки, у гуруҳда муҳим ўрин тутиб, А.Рейс қўлга киритган пулларни фойда келтирадиган банкларга жойлаштириш билан шуғулланган.

1926 йили «Ангола ва метрополиялар банки» тугатилиб, унинг 488.430 фунт-стерлинг маблағи тоvon пули сифатида Португалия банкнинг ҳисобига ўтказилди. 500 эскудолик пуллар устидаги текширув туну кун давом этиб, 104.859 та банкнот қайта чоп этилгани аниқланди. Эслатиб ўтиш кераки, фирибгарлар жами 580.000 та банкнотни қўлга киритишган.

Фирибгарликнинг баъзи тафсилотлари тала-тўхис аниқ бўлди. В.Ватерлоу 1925 йилнинг декабрида Португалия банки бошқарувчисига ёзган хат манзилга етиб бормаган. У билан музокара олиб бораётган К.Маранг инглиз бизнесменига Гаагадаги Португалия консулхонасининг дипломатик куръери хизматидан фойдаланишни таклиф этган. Консул эса гуруҳ аъзоси Ж.Бандейранинг акаси А.Бандейра эди...

В.Ватерлоу билан музокарага киришган К.Маранг дастлаб 1000 эскудолик пуллари чоп этишни таклиф қилган. Ҳамхўшдаги мингталиклар бошқа бир инглиз фирмаси — «Bradbery, Wilkinson»да босилишини билмаслиги, умуман у кўп нарсалардан бехабарлиги ҳам В.Ватерлоуда шубҳа уйғотмаган. В.Ватерлоу судда ҳам, матбуотда ҳам ўзининг ишонувчанлигини К.Маранг унга қимматли қоғозлар, векселлар ишлаб чиқариш бўйича дунёга танилган «Johann Ahshe & sons» номли голланд фирмасининг тавсия хатини тақдим этгани билан изоҳлади. Аммо барибир у жавобгарлиқдан қутулиб қололмади.

А.Рейс судда ҳам юқоридаги фикридан қайтмади. Португалия банки бошқаруви банкни миллий кадастрга киритишга эришганида эса у қонун орта қайтиш кучига эга эмаслиги, яъни қабул қилинганга бўлган даврларга татбиқ этилмаслигини таъкидлади, ўзининг озод этилишини талаб қилди. Узоқ тортишувлардан сўнг унга қўйилган «пуллари сохталлаштириш»

қилувчи жиҳатларини бирма-бир кўрсатиб ўтди дейиш мумкин.

1926 йил 26 ноябрда Гаагада К.Маранг устидан суд бошланди. Унда Португалия банки бошқарувчиси, Ангола ишлари бўйича комиссар ва В.Ватерлоу гувоҳ сифатида қатнашди. К.Марангнинг А.Рейснинг жиний режасидан хабардорлигини исбот қилиб бўлмагани учун суд уни 11 ой қамақ жазосига ҳукм қилди. Судгача бу мuddатни ўтиб бўлгани учун айбланувчи суд залидан озодликка чиқди. Португалия томонининг талаби кўра қайта суд бўлиб, К.Маранг энди 2 йилга озодликдан маҳрум этилган пайтда у хотин ва тўрт боласи билан Бельгия фуқаролигини қабул қилиб, яшаш учун Брюсселга кетиб бўлган эди...

1930 йил 6 май кuni Лиссабонда А.Рейс ва шериклари устидан суд бошланди. 9 та айбланувчи орасида ҳамон қочиб юрган А.Хеннис йўқ эди. Бунинг ўрнига ишга А.Рейснинг котиби ва унинг имзосини тасдиқлаб берган нотариус жалб қилинганди. Айбланувчиларни 15 адвокат ҳумоққиларди. 7 кишидан иборат судга олий суд судяси Ж.Симео раҳбарлик қиларди.

1926 йилги давлат тўнтариши оқибатида ҳокимият тепасига Европадаги фашистлар ҳаракатини ёқловчи ҳарбийлар келган бўлиб, А.Рейс гуруҳи содир этган жиноятга ўша пайти 3 йил қамақ жазоси бериш мумкин бўлган бўлса, энди бу мuddат 25 йилни ташкил этар эди.

Жараён бир ярим ойча давом этди. Айбни инкор этиш фойдасизлигини тушунган А.Рейс К.Маранг ва А.Хеннис унинг ёрдамчилари бўлишини, лекин улар ишнинг мохиятини тўлиқ тушунмаганини тан олди. К.Маранг голланд суди тайинланган ҳазонн ўтаб бўлган, уни тақоран суд қилиб бўлмасди. А.Хеннисни эса Европа полицияси ҳамон тутга олманган эди. Ўз қилишига баҳо бераар экан, А.Рейс бойлик орттиришини эмас, бор-йўғи Португалия ва Ангола иқтисодийетини жонлантиришни кўзлаганини билдирди. Ҳукм 1930 йил 19 июнда эълон

қилиниб, айбланувчиларнинг барчаси турли мuddатга қамалды. Жумладан, А.Рейс, А.Хеннис ва Ж.Бандейранинг ҳар бири 8 йилни турмада, 12 йилни колонияда сургунда ўтказадиган бўлди. Суд маҳкумларининг илтимосини инобатга олиб, жазони 25 йиллик сургунга алмаштирди.

В.Ватерлоунинг тақдири хусусида шуни айтиш керакики, у жуда қўзилиб кетган суд жараёнида бошдан-охир гувоҳ сифатида қатнашди ва соғлиғига гултур кетиб, 1931 йил 6 июл кuni 60 ёшида вафот этди. Охир-оқибат «Waterlow & sons» фирмаси Португалия банки билан тузилган шартномани тўлиқ бажармаганилиги учун унга 610.392 фунт-стерлинг жарима тўлашга мажбур бўлди.

А.Рейс сургунга кетишдан бош тортиб, Лиссабон турмасида жазони тўлиқ ўтаб, 1945 йил 7 май кuni озодликка чиқди ва 1955 йил 8 июл кuni юрак хасталигидан вафот этди. Умрининг охириги йилларини у буткул қашшоқликда ўтказганини таъкидлаш жоиз.

А.Хеннис, ҳақиқатда эса Иоганн Георг Адолф Деринг, узоқ вақт Германияда яшириниб юрди. Фирибгарлик билан топан пулларини ишлаб чиқаришга сарфлаб жуда бойиб кетди. У 1936 йили вафот этган.

Брюсселда яшаётган К.Маранг 1928 йили Парижга кўчиб ўтиб, электр чироклар ишлаб чиқарувчи фабрикани сотиб олади. Маранглар оилавий қорхонаси шунга қарайда пайдо бўлган эди. К.Маранг 1980 йил 13 феврал кuni 77 ёшида Канндаги шиманг кватирасида вафот этди.

Йигирманчи асрдаги ушбу бемисл қаллоблик ҳақида Е.Баттала, С.Кийш, М.Блум каби ёзувчилар «Фантастик банк», «Португал банкнотлари иши», «Пул талвасаси» китобларини ёзишган.

Internet хабарлари асосида Хасан НИШОНОВ тайёрлади

MAVZUGA QAYTIB

Кишининг бирон нарса ёзаман деб қўлига қалам олишига, у шеърми, ҳикоями, ҳажвиями ёки оддий мақолами, қатъи назар, албатта бирон нарса сабаб бўлади. Ушбу мақола ёзилишига Акмал Икромов туманидаги «Москва остонаси» бекати сўнгги бекат ҳисобланадиган баъзи автобуслар ҳайдовчиларининг журмача қилиқлари сабаб бўлди.

Аслида бу қилиқлар янги эмас. Уларни аввалига бир даволаниб, аммо муолажалар етарли бўлмаганлиги сабабли қайталанган касаллик деб ҳам атаса бўлади. Гап шундаки, 2004 йил 18 февралда «Нуқуқ» газетасининг 7-8 қўшма сонида «Дардимизни кимга айтамыз» деган бир ўлма эълон қилган эдим. Унда шундай гаплар бор эди:

«Хар куни эрталаб А.Икромов туман суди яқинидаги 12-ва 13-троллейбуслари қайрилиб оладиган, 8-, 75-, 41-йўналишидаги автобусларнинг сўнгги бекати ҳисобланган бекатда тўпланамиз. Менга ўхшаган 10-15 киши, биздан ташқари бекат фарбиди жойлашган кўзи оғизлар жамиятига қарашли коттежларда яшайдиган ахакон, опхонлар. «Москва остонаси» бекати эса биз автобус кутадиган бекат билан бизгача бўлган бекатнинг қок ўртасида... қисқаси на ўқлик, на бўёқлик. Биз бекатда автобус кутаверимиз, кўпгина ҳайдовчилар эса бекатга 10-15 метр етмасдан автобусини тўхтатиб, йўловчиларни туширади-ю, бурилиб қочиборишади. Чархи кахрафторнинг ишини кўрингки, худо ургани пайгамбар ҳассаси билан туртади, деганларидек, троллейбуслар ҳам «шу касалга» чалинишиди. Улар ҳам ярим йўлда троллейбусни тўхтатишиб, йўловчиларни туширади-ю, тепадаги шохини узиб, қайриб олишади».

Ушбу мақола эълон қилинган, «Нуқуқ»нинг 2004 йил 19 майдаги 20-сонида «Тошшаҳарйўловчиларнинг» давлат уюшмаси раисининг ўринбосари Т.Дадабоевнинг жавоби чоп этилди. Унда айтилишича, тартиббузар ҳайдовчилар билан алоҳида суҳбат ўтказилган, бу ҳолат яна такрорланса, уларга нисбатан маъмурий тартибда жазо чоралари қўрилиши тушунтирилган экан. Яширишининг ҳолати йўқ, анча вақтгача ҳамма иш кўнгилдагидек борди. Ҳайдовчилар анча инсофга

Журмача қилиқлар

келиб қолишганди. Афсуски, бу узоқ вақт давом этмади. Ўтган йилнинг декабридан бери яна ахвол ўша-ўша, эски ҳаммом, эски тос. Ҳайдовчилар троллейбус қайриладиган жойгача, яъни автобус бекатидаги 10-15 метр етмай машинани тўхтатиб, йўловчиларни туширади-ю, қайрилиб олиб «қочишади». 20 январ куни ҳам худди шундай бўлди. Бекатда мен, икки-учта кампир, тўрт-бешта талаба, иккита кўзи оғиз ахакон турган эдик. 41- автобус келиб 10 метр нарироқда тўхтади. Ҳамма хайрон, аммо менинг кўнглим сезиб турибди, ҳозир ўша ердан бурилиб олади, дедим-у, секин у томон юра бошладим. Келадиганларимни кўриб ҳайдовчи йўловчиларга нимадир деб ўшқирди. Қарасам одам кам, югура бошладим, аммо етиб келолмадим, икки қадам қолганда, автобус эшиклари қарсиллаб ёпилди-ю, қайрилиб, «Москва остонаси» бекати томон учди. Мен унинг орқасидан югурдим, аммо қани энди қувиб етолсам. Бекатга келсам, ҳайдовчи турибди, писта чақиб. Анча-мунча аччиқ-чучук гаплар айрилди. Хар куни ахвол шу. Шундан бери йўлнинг нариги томонига ўтиб, 182- ёки 174- автобуслардан бирига чиқиб кетаман. Аммо бу автобусларда ҳам ўзига хос журмача қилиқлар бор. Чиқшингиз билан чипта сотувчиси келиб чипта олинг дейди. Мен уларга ишхонамдан берилган ойлик йўл чиптасини кўрсатаман. Чипта сотувчи эса

«автобусимиз шаҳардан ташқарида чиқади, шунинг учун бизда ойлик йўл чипталари ўтмайди», деб хар-хаша қилади. «Барака топгур, мен шаҳардан чиқмайман, бор-йўғи Чилондор метросигача бораман, агар шаҳар чеккасидан бир қадам чиқсам, айтган пулингни тўлайман», деган гапим, «ишхонам ойнинг бошида пулни ўтказиб қўйган, нега энди чипта ўтмас экан» деган вақтарим қани иш берса...

Гап келганда айтиб қолай, биз автобус кутадиغان бекатнинг қаршисида чакалак босган икки гектарча ер бўлиб ётибди. «Москва остонаси» бекатини шу ерга қўчириша-ку олам гулистон. Автобуслар хохласа-хохламаса барибир шу ерга келишади. Бунинг учун чакалакзорни текислаб асфальт қилиш ҳамда автобусларнинг келган-кетганини белгилаб борадиган ходим ўтирадиган битта хона қуриш керак, вассалом. Шундай қилинса, Ўрикзор томондан келадиган 182-, 33- ва 174- автобуслар ҳам шу ерда тўхтаб ўтишади. Тўғридан тўғри «Москва остонаси» бекатига чиқадиغان йўловчилар эса бекатдан 15 метр наридаги чорраҳадан ўтиб қурилган бекатда хохлаган автобусига миниб кетишади. Бунга «Тошшаҳарйўловчиларнинг» раҳбарлари нима дейишаркан?!

Йўлдош ПАРДА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

GALATI DUNYO

Бўлди қизик хангомалар

Руминиянинг Клуж шаҳридаги кўлжаватли уйлardan бирида яшовчилар шу уйда истижомат қиладиган Атилла Варга устидан шикоят билан судга мурожаат қилишди. Унда айтилишича, Варга букадек семириб кетган Сумо лакабли итини олиб, бу уйдан кўчиб кетиши керак экан. Албатта, хар қандай талабнинг битта баҳонаи сабаби бўлади. Шикоятчиларнинг ёзишича, Сумо тўнлари шунчалик қаттиқ ҳуррак отарканки, кўчада тўхтатиб қўйилган ёнгил машиналарнинг сигнализация ускуналари ишлаб кетаркан. Варга билан битта подьездда яшайдиган тўртта кўшни хуррак оқибатида мигрень касаллигига (қаттиқ бош оғриги) айланган. Кўшнилardan биттаси хуррак овозига дош беролмай, Канадага кўчиб кетган. Санитария врачлари Сумонинг хуррагини текшириб кўриб, унинг 34 децибелга, яъни ўртача катталикдаги дизель моторли булдозер шовқинига тенг эканлигини аниқлашди.

Суд барча салбий ва ижобий




жиҳатларни адолат тарозусида тортиб, Варгани ити билан бирга уйдан мажбурий кўчиртириб юбориш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Суддан кейин Варга журналистларга берган интервьюсида шундай деди:

— Суднинг ҳукмини адолатсизлик деб ҳисоблайман, чунки итими ҳали жуда ёш. Бунинг устига у шахримизда ўтказилган вазн буйича итлар биринчилигида 4 марта биринчиликти эгаллаган. Хар ҳолда, судья унинг чемпионлигини инобатта олиши керак эди.

Португалиянинг Назаре шаҳарчасида почта ходими бўлиб ишлайдиган Роберт Рамощ «сеп-менга» бориб қолган хотини билан ярашишини аниқлаш уюлини ўйлаб топди. Араздашиб поран хотинининг туғилган куни кечқурун у бош кийимига 6 та шамиш ўрнатиб, ёқиб, уй атрофида айланганча «туғилган кунинг муборак бўлсин!» дея қўшиқ айта бошлади. Бундан таъсирланиб кетган хотини узи уйга киришга тақлиф қилди ва улар яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Бунни кўрган кўшнилар «хотинингизнинг ёши олтида эмас-ку, нега сиз бошингизга фақат олтига шам ўрнатиб олдингиз» деб сўрашади, Рамощ «аёлларнинг аниқ ёшини айтиши уларга нисбатан ҳурматсизлик бўлади» деди жимлайиб.

Футбол ўйинида ҳакам ноҳақ ўн бир метрлик жарима тўпи белгилангани бос Молдованинг «Росо» футбол клуби президенти Михаил Макаевнинг газиби жунбуша келди. У ташқарида турган енгил машинасига миниб, ҳакамни асфаласофиланга жўнатиш мақсадида майдонга «от қўйди». Бунни сезиб қолган ҳакам зудлик билан юқорига, тамошабилар ўтирадиган қаторлар томон қочди. Макаевнинг машинаси тахтадан ясалган ўриндиқларга урила-урила ахйри овози ўчди. Бунни кўрган ҳакам настега тушиб, ўз ваколатидан фойдаланиб, Макаевнинг жазоаси 3:0 га ютқазилганини эълон қилди. Бундан ташқари, ҳакам Макаевга қилган безорилиги умун жазо берилишини талаб қилиб судга мурожаат қилди.



1974 йилда Швецариянинг Базел шахри суди бундан 500 йил илгари йўл қўйилган суд хатосини тўзатди. Инквизация давридан ўлим жазосига ҳукм қилинган бегуноҳ жабрдийда оқланди. Аниқланишича, 500 йил илгари,

яъни 1474 йилда Базел шахри судида бир ҳўрознинг иши қўрилган бўлиб, судланувчи тудум қўйишда айбланган экан. Суд уни жин-ажиналар билан алоқадорликда айблаб, ўлимга ҳукм қилган. Жазо халқнинг кўз ўнгиде ижро этилган. Аммо яқинда франкуз олими Пезар турли юқумли касалликлар, сил, перитонит, гайриодатий емишлар билан захарланиш оқибатида паррандаларнинг жинси ўзгариб қолишини исботлади. Бечора ҳўроз ўшанда ана шундай бир касалга чалинган бўлса керак. Бунни инобатта олган суд ҳўрозни айбдор эмас деб топди.

Миср Араб республикаси археологлари эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда қурилган мақбарани топшиганда, хурсандчиликдан дўнпиларини осмонга отишган эди. Зеро, мақбарача тахтадан ясалган олтиши тўртта тобут чирмай, бузимлай сақланиб қолган экан. Тобутларни очиб кўрган олимлар ҳайратдан қотиб қолишди. Уларнинг барчасида жангчи кийимидеги гориллалар қўллариде найза ва қалқон тугган ҳолда мумийлаб қўйилган экан. «Маймулар планетаси» деган мисл-мишлар наҳотки тўғри бўлса деб анча вақтгача пайсалга тушиб қолган олимлар ниҳоят «булар фибравини кўриқлашга ўргатилган маймулар зуруҳи бўлса керак», деган ҳулосага келишди. Нима бўлганда ҳам, тарих сир-синаотга тўла» деган гапда жин борга ўхшайди.

НамДУ талабаси С.ЮСУПОВ тэйрларди



— Фермер бўлмоқчиман...

Моҳият

Мен инсоний ахлоқнинг асл моҳиятини англаб етдим.
Бу қимматбаҳо неъмат сукут сақламоқликдир.

Абул Ала Ал-Мааррий

Ўтганларнинг охирати овод бўлсин!

Навоий вилояти прокуратураси жамоаси Учқудуқ тумани прокурорининг ўринбосари

Нусрат МИРЗАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

HUQUQ
yuridik gazeta

Та'сисчи:
Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси

Bosh muharrir:
Abdulloliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahridin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231,232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikri tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganida «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahmiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 62. 18450 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyatda kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Nabvatchi muharrir: **Y.PARDAEV**
Mushahhib: **A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NIMK boshmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaniga chorsanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirild: 345678